

**Оллоберганов Қ.** Йиртқич, аммо ҳужум қилмайди. // Газета «Тошкент оқшоми», 1991. № 207 (7. 896).

БУ НОДИР ҳайвоннинг яна бир номи илвирсдир. Илвирс ҳозирги пайтда мамлакатимиз ҳудудида жуда кам сонни ташкил этиб, бутунлай йўқолиб кетиш арафасида турибди.

Қор қоплони анчагина йиртқич жонзот бўлиб, танасининг узунлиги 112 дан 115 сантиметргача, думи бир метр атрофида, баландлиги 60 сантиметр, оғирлиги эса 40 килограммдан ошади. Эркаги ургочисидан каттароқ бўлади. Кўзлари катта, қулоқлари калта, думи майин тукли. Гавдасининг жуни қалин, юмшоқ, кулранг-қўнғирнамо бўлиб, бошдан-оёқ қора ёки қора-қўнғир тусли ҳалқасимон холлар билан қоплонган. Оёқларнинг ички томони оқ бўлиб, танасига нисбатан анчагина калта, аммо ихчам.

Илвирс Марказий ва Ўрта Осиё тоғларининг ўртабел қисмида, Жанубий Сибирь, Помир-Олой тизма тоғларида, Тянь-Шань ва қисман Олтой тоғларида тарқалган. Ўзбекистонда Туркистон, Ҳисор тизма тоғларида, Зомин тоғларининг Қулсой, Кўкбулоқ, Оқтош ва Кўксув районларида учрайди. Баъзан Қурама, Чотқол, Угом тоғларида ҳам учраб туради.

Илвирс денгиз сатҳидан 3000-4000 метр баландликдаги музликлар ва мангу қорларнинг этакларидаги қиялик далаларда, майда тош — шағалли жойларда яшашни хуш кўради. Қишда эса пастроқдаги арчазорларга, аҳоли яшайдиган жойларга яқинлашиб келади. Аммо одамга ҳужум қилмайди. Қаерда овқат бўлса, ўша ер унга макон ҳисобланади.

Илвирс райганда ва эрталаб овқат излаб овга чиқади. У одатда ўлжасини тошлар ва бутазорлар орасидан писиб, пойлаб бориб устига 6 метр ва ундан ҳам узоқдан ташланиб, уни бўғизлайди. Агар ўлжасини тутолмаса, бир неча марта сакраб қувади, лекин узоққа қувиб бормайди.

Илвирс ўзига қулай бўлган чуқур дарага, қоя тошлар орасидаги каттароқ ёриқ жойга ёки горга уя қуриб, унда бир неча йил яшайди. У 3-4 ёшлигида жинсий вояга етиб, ҳар икки йилда бир марта туғади.

Илвирс асосан ёввойи тоғ эчкилари, қўёнлар билан овқатланади. Шунингдек, чўчқа болаларини, овқат тополмай қолса суғур, қуён ва ҳар хил майда кемирувчиларни ҳам тутиб ейди. Аммо уй ҳайвонларига камдан-кам ҳужум қилади.

Бу мушукнинг камайиб кетиши сабаби, унга озиқ-овқат бўладиган ёввойи туёқли ҳайвонлар сонининг камайиб кетиши ва улар яшайдиган жойларга одамларнинг кириб боришидир.

Илвирсни ов қилиш умуман тақиқланган. Ўзбекистонда илвирс Зомин, Чотқол, Ҳисор кўриқхоналарида муҳофаза қилинмоқда ва улар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилаётир.